*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 21 декабрь 1973 йил, жума ◆ № 298 (15.772). ◆ Баҳоси 2 тийин.

## УЧИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Учишни бошқариш маркази, **20 декабрь. (ТАСС).** Иккинчи иш кунида Климук ва Лебедев ўртоқлар «Союз-13» космик кемасининг ичида илмий аппаратни ишлашга ҳозирлашни тугатдилар. «Орион-2» системасининг ишлашини янада текшириб чиқиш мақсадларида кема осмоннинг белгиланган участкасига мўлжал олдирилди ва телескоплар тўғрилаб қўйилди.

Космонавтлар кема ичидан юборилган телевизион репортажда ўтказилаётган парвознинг мақсадлари ва вазифалари тўғрисида, унинг илмий программаси ҳақида гапириб бердилар.

19 декабрь соат 22 дан 30 минут ўтгандан 20 декабрь соат 8 дан 30 минут ўтгунга қадар кема Совет Иттифоқи территориясидан радио орқали алоқа қилиб бўлмайдиган зонада эди.

Космонавтлар учинчи учиш кунини бошлаётиб медицина контроли, эрталабки машқлар ва нонуштадан сўнг илмий экспериментларни давом эттирдилар.

«Союз-13» кемаси экипажининг аъзолари ўзларини яхши ҳис қиляптилар. Кемадаги системалар нормал ишлаб турибди, учиш давом этмоқда.

## Л. И. БРЕЖНЕВ СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари секретарлари кенгашининг қатнашчиларини 20 декабрь куни Кремлда қабул қилди.

Учрашувда қуйидагилар қатнашдилар: БКП Марказий Комитетининг секретарлари А. Лилов, К. Теллалов, БКП Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Г. Боков; ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Д. Ацел; ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Марказий Комитет секретарлари К. Хагер, Г. Аксен, В. Ламберц; Куба Компартияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси А. Перес; МХРП Марказий Комитетининг секретари Д. Чимиддорж; ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Я. Шидляк, ПБИП Марказий Комитетининг секретари Е. Лукашевич, ПБИП Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Р. Фрелек; РКП Марказий Комитети ижроия комитети аъзолигига кандидат, партия Марказий Комитетининг секретари К. Буртикэ, РКП Марказий Комитетининг секретари Ш. Андрей; КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидатлар, Марказий Комитет секретарлари П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев; ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари В. Биляк, ЧКП Марказий Комитетининг секретарлари О. Швестка, Я. Фойтик.

Л. И. Брежнев дўстона суҳбат чоғида кенгаш қатнашчиларига КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми якунлари тўғрисида, совет халқининг партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш борасидаги катта фидокорона меҳнати тўғрисида ҳамда КПСС, Совет давлатининг халқаро майдонда Тинчлик программасини амалга ошириш борасидаги кенг фаолияти тўғрисида гапириб берди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Марказий Комитет Сиёсий бюроси партия ишининг ҳамма соҳаларида қардош партиялар билан ҳамкорликни чуқурлаштиришга биринчи даражали аҳамият бермоқда, деб таъкидлади. Шу муносабат билан у бўлиб ўтган кенгаш, унинг самарали натижалари коммунистик ва ишчи партияларнинг реал социализм ғалабаларини пропаганда қилишдаги ҳамкорлигини кенгайтиришга, социалистик мамлакатларнинг барча халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш йўлидаги ташқи сиёсатига, марксизм-ленинизм дунёқарашини тарқатишда ва буржуазия идеологиясига қарши курашда ёрдам беради, деди.

Л. И. Брежневнинг қардош партиялар Марказий Комитетлари секретарлари кенгашининг қатнашчилари билан учрашуви самимий, ўртоқларча вазиятда ўтди.

---

# *Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг пленуми тўғрисида*
# *ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ*

1973 йил 20 декабрда Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIII пленуми бўлиб ўтди.

Пленум «Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисида» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госплани раиси ўртоқ С. Қ. Зиёдуллаевнинг ва «Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат бюджети тўғрисида» Ўзбекистон ССР молия министри ўртоқ В. Муродхўжаевнинг докладларини тинглади.

Музокараларда Наманган область партия комитетининг биринчи секретари М. Иброҳимов, Тошкент область ижроия комитетининг раиси С. Асомов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг иккинчи секретари Б. А. Новицкий, Ўзбекистон ССР енгил саноат министри Ф. Х. Хўжаев, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри Э. Т. Шайхов, В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори М. Р. Рамазонов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов катта нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

---

## *ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ*
# «КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1973 ЙИЛ ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА»

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми якунларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида баён қилинган қоидалар ва хулосаларни батамом ва тўла-тўкис маъқуллайди.

Хўжалик ва маданий қурилишда беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида эришилган ғоят катта муваффақиятлар партиянинг КПСС XXIV съезди белгилаб берган ленинча йўли изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг қонуний натижасидир.

Ўзбекистон коммунистлари ва барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг ва унинг Сиёсий бюросининг доно ички ва ташқи сиёсатини қизғин ва яқдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар, тинчликни мустаҳкамлаш ва халқаро кескинликни юмшатиш ишига ўртоқ Л. И. Брежневнинг шахсан қўшган катта ҳиссасини, унинг совет халқи бахт-саодати учун кураш йўлида ҳормай-толмай куч-ғайрат сарфлаётганлигини юксак қадрлайдилар.

Область, шаҳар ва район партия комитетларига, барча бошланғич партия ташкилотларига КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1973 йил декабрь Пленумида сўзлаган нутқига амал қилиб, 1974 йил халқ хўжалиги планини муваффақиятли бажариш учун республика коммунистларини, комсомолларини ва барча меҳнаткашларини сафарбар қилиш соҳасидаги ишларни кучайтириш топширилсин. Партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг куч-ғайрати тўққизинчи беш йиллик тўртинчи йили топшириқларини тўла ва ошириб бажариш ҳамда Ўзбекистон ССРнинг ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришга сафарбар қилинсин.

---

## *ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ*
# ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1974 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани ва Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат бюджети лойиҳалари асосан маъқуллансин ва Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси муҳокамасига киритилсин.

---

## *Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида*
# *ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ*

1973 йил 20 декабрда Тошкентда саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Соат 14 да Олий Советнинг биринчи мажлиси очилди.

Ҳукумат ложаларида—КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари **И. Г. Анисимкин, А. Д. Бесчастнов, Й. Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев**, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси аъзолигига кандидатлар **Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Хўжаев**, республика Олий Совети Президиуми ва ҳукуматининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Мажлисни Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси депутат **С. Ҳ. Сирожиддинов** очди. Раис столи ёнида — Олий Совет Раисининг ўринбосарлари депутатлар **П. Ф. Глазатов, С. Есимов, З. Исроилова, Г. Раметова** ўтирибдилар.

Сессия иштирокчилари вафот этган депутатлар М. Дадажонов ва П. В. Каймаков хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олдилар.

Олий Совет бешинчи сессиядан кейин депутатлар составида бўлиб ўтган ўзгаришлар тўғрисида мандат комиссиясининг раиси депутат **Т. Р. Каримованинг** доклади тингланди. Ўзбекистон ССР Конституциясининг 3-моддасига асосан, 1973 йил 2 сентябрда 232-Ҳаққулобод сайлов округидан сайланган Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати **Иномжон Бузрукович Усмонхўжаев**нинг ваколатини тўғри деб топиш ҳақида бир овоздан қарор қабул қилинди.

Депутатлар сессиянинг қуйидаги кун тартибини тасдиқладилар:

1. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисида.
2. Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат бюджети ҳақида.
3. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

«Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисида» Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, республика Госпланининг раиси депутат **С. К. Зиёдуллаев** доклад қилди.

«Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат бюджети ҳақида» республика молия министри депутат **В. Муродхўжаев** доклад қилди.

* * *

Танаффусдан кейин мажлисда Олий Совет Раисининг ўринбосари депутат **С. Есимов** раислик қилди.


Депутатлар Олий Совет план-бюджет ва тармоқ доимий комиссияларининг қўшимча докладини тинглади. План-бюджет комиссиясининг раиси депутат **Х. Умаров** шу ҳақда қўшимча доклад қилди.

Мажлисда кун тартибидаги дастлабки икки масала юзасидан — Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат бюджети ҳақидаги масалалар юзасидан музокаралар бошланди.

Музокараларда Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг Раиси **Е. Айтмуротов**, депутатлардан **И. И. Головачев** (187—Марказий сайлов округи), **Ҳ. Содиқова** (154—Бухоро шаҳар Оржоникидзе сайлов округи), **В. О. Козимов** (399—Қўқон сайлов округи), **К. С. Зокиров** (386—Сўх сайлов округи), **М. Эгамбердиев** (81—Кўкорол сайлов округи), **В. А. Хайдуров** (339—Зомин сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида қабул қилинган социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилганлиги ҳақида республика меҳнаткашларининг бир қанча коллективларидан Олий Совет номига рапортлар келди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.



Саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг олтинчи сессияси. Суратда: сессиянинг мажлислар залида. А. Авазов ва Р. Шамсиддинов фотоси. (ЎзТАГ).

---

# ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК

СССР Олий Совети Президиумининг 1973 йил 10 декабрдаги Фармони билан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари ва пахта, дон, сабзавот ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан олинган мажбуриятларни бажаришдаги шавкатли меҳнатлари учун Ўзбекистон ССРнинг колхозчилари, совхоз ишчилари, механизаторлари, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, «Узсельхозтехника», сув хўжалиги, тайёрлов ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг ходимларидан катта группаси орден ва медаллар билан мукофотландилар.

Қуйидагилар Ленин ордени билан мукофотландилар: Рашидов Ш. Р. — Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари, Абдиев Б. — Китоб районидаги Куйбишев номли колхоз бригадири, Акбаров О. — Марҳамат районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозининг бригадири, Олломуродов М. — Задарё районидаги «Правда» колхозининг агрономи, Алланова Т. — Нукус районидаги Бердақ номли совхоз ишчиси, Аҳмадалиев Э. — Бағдод районидаги «Москва» колхозининг бригадири, Бобоева Т. — Қорақўл районидаги «Ленинград» қолхозининг звено бошлиғи, Бозорбоев Х. — Гурлан районидаги «Ленинград» колхозининг тракторчиси, Боймирзаева М. — Вўз районидаги Мирзаахмедов номли совхоз ишчиси, Жуманов Ш. — Ғаллаорол районидаги 2-«Ғаллаорол» совхозининг механиги, Дудко А. Е. —Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги бош бошқармасининг бошлиғи, Исмоилов У. — Когон районидаги «Когон» совхозининг тракторчиси, Қаландарова Т. — Пахтачи районидаги Охунбобоев номли колхоз звено бошлиғи, Каримов Х. — Косон районидаги Ленин номли совхоз директори, Керимов С. — Ўзбекистон КП Мирзачўл район комитетининг биринчи секретари, Когай И. А. — Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг участка мудири, Қурбонов Й. Р. — Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретари, Қўчиев Ж. — Гулистон районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси, Ломоносов В. Г. — Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи секретари, Мамбетмуратов Б. — Кегайли районидаги Энгельс номли совхоз механизатори, Маткаримов М. М. — Ўзбекистон КП Янгиариқ район комитетининг биринчи секретари, Матчонов Н. М. — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси, Мирахмедов С. — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг лаборатория мудири, Муродов Н. М. — Ўзбекистон КП Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари, Осетров Т. Н. Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Путиев П. А. — Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг бош инженери, Рўзибоева Т. — Ульянов районидаги Ульянов номли совхоз ишчиси, Сангинов К. — Сариосиё районидаги «Ўзбекистон» колхозининг трактор чиси, Тиллабоев А. — Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозининг раиси, Толипова Э. — Фрунзе районидаги Охунбобоев номли совхоз ишчиси, Турабоев А. — Тўрақўрғон районидаги Калинин номли колхоз аъзоси, Уролов М. — Киров районидаги «Москва» колхозининг бригадири, Усмонов С. — Ильич районидаги Титов номли совхоз директори, Холматов Ю. — Калинин районидаги Охунбобоев номли колхоз бригадири, Худойбердиев Н. Ж. — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси, Эргашев А. — Уйчи районидаги Калинин номли колхоз трактор чиси, Эсонтурдиев Н. — Булунғур районидаги «Октябрь» колхозининг раиси, Эшонов М. Э. — Ўзбекистон КП Пахтаобод район комитетининг биринчи секретари, Йўлдошев Т. — Жарқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи» колхозининг бригадири, Ёқубов У.— Хева районидаги Энгельс номли колхоз бригадири, Ёқубова Т. — Тўрткўл районидаги «Намуна» колхозининг аъзоси ва бошқалар, жами 395 киши. Октябрь революцияси ордени билан 527 киши, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан — 3520 киши, «Ҳурмат Белгиси» ордени билан — 3901 киши, «Шавкатли меҳнати учун» медали билан — 2325 киши ва «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан — 2327 киши мукофотланди.

---

## Л. И. Брежнев Нгуен Хиу Тхо ва Нгуен Тхи Бинь билан учрашди

20 декабрда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Жанубий Вьетнам Республикаси Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг Раиси, Муваққат революцион ҳукумат маслаҳат кенгашининг раиси доктор Нгуен Хиу Тхо ҳамда Жанубий Вьетнам Республикаси Миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг аъзоси, Муваққат революцион ҳукумат ташқи ишлар министри Нгуен Тхи Бинь билан учрашди.

Суҳбат чоғида қаҳрамон Жанубий Вьетнам халқининг вакиллари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарига Жанубий Вьетнамдаги ҳозирги аҳвол тўғрисида, ватанпарвар кучларнинг Жанубий Вьетнам проблемасини узил-кесил одилона бартараф этиш учун кураши ҳақида гапириб бердилар. Нгуен Хиу Тхо Вьетнам масаласи хусусида тузилган Париж битимини батамом

(Давоми иккинчи бетда).

# Л. И. БРЕЖНЕВ НГУЕН ХИУ ТХО ВА НГУЕН ТХИ БИНЬ БИЛАН УЧРАШДИ

(Боши 1-бетда).

ҳурмат қилиш ва бажариш тўғрисида ЖВР Муваққат революцион ҳукумати тутган позициясини таъкидлади ҳамда Сайгон маъмуриятини Вьетнамда бетимин саботаж қилиш ва тинчлик ишини қўпоришга уринаётганлигини қатъий қоралади.

Жанубий Вьетнам вакиллари Вьетнам халқининг мустақиллик ва озодлик учун курашидаги тарихий ғалабасига муҳим ҳисса бўлиб қўшилган ҳар томонлама мадад ва ёрдамлари учун Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига, Совет ҳукуматига, барча совет халқига Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти, Муваққат революцион ҳукумати ва барча аҳолиси номидан астойдил миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев Жанубий Вьетнам вакилларини Вьетнам халқининг империалистик агрессияга қарши узоқ вақт фидокорона олиб борган курашида эришган ғалабаси билан қизғин табриклади. Вьетнамнинг жанубидаги умумхалқ озодлик курашининг илҳомчилари ва ташкилотчилари Миллий озодлик фронти билан Муваққат революцион ҳукумат шу ғалабага эришувида муҳим роль ўйнайдилар. Ўртоқ Л. И. Брежнев ўзининг интернационал бурчига содиқ совет халқи бундан буён ҳам Жанубий Вьетнамнинг ватанпарвар ва прогрессив кучлари томонида қатъий курашаверади, деб таъкидлади. Совет Иттифоқи ЖВР Муваққат революцион ҳукуматининг Париж битимини бажариш, Жанубий Вьетнамни тинчлик, мустақиллик, демократия ва бетарафлик йўлидан ривожланишига қаратилган сиёсатини қатъий қўллаб-қувватламоқда. Мамлакатимиз Жанубий Вьетнам аҳолиси орзу-умидларини бирдан-бир ҳақиқий ифодаловчилари бўлмиш Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти ва ЖВР Муваққат революцион ҳукумати билан дўстона муносабатларни бутун чоралар билан ривожлантиради.

Учрашув сидқидиллик ва қардошларча дўстлик вазнитида ўтди.

Учрашувда: Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси К. В. Русаков; Жанубий Вьетнам Республикаси томонидан — Миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг аъзоси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати ташқи ишлар министрининг ўринбосари Ле Куанг Тянь. Миллий озодлик фронти Марказий Комитетининг аъзоси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати элчиси Нгуен Ван Тхан ҳозир бўлдилар.

# ЎРТОҚЛАРЧА, ИШЧАНЛИК ВАЗИЯТИДА

**СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ**

18—19 декабрда Москвада социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари секретарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Болгария Коммунистик партияси, Венгрия Социалистик ишчи партияси, Германия Бирлашган социалистик партияси, Куба Коммунистик партияси, Монголия Халқ революцион партияси, Польша Бирлашган ишчи партияси, Румыния Коммунистик партияси, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Чехословакия Коммунистик партияси вакиллари катнашдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети секретари М. А. Суслов қисқача нутқ сўзлаб кенгашни очди.

Кенгашда БКПдан А. Лилов, ВСППдан — Д. Ацел, ГБСПдан — К. Хагер, Куба Компартиясидан — А. Перес, МХРПдан—Д. Чиммиддорж, ПБИПдан—Я. Шидляк, РКПдан — К. Бурткэ, КПССдан — Б. Н. Пономарёв, ЧКПдан — В. Биляк сўзга чиқдилар.

Кенгаш иштирокчилари ўз партияларининг идеология соҳасидаги иш тажрибаларини ўртоқлашдилар ва ҳозирги шароитда қардош партиялар ўртасида идеологик ҳамкорликни янада кучайтиришнинг актуал масалаларини муҳокама қилдилар.

Социалистик давлатларнинг ялпи тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган принципиал ташқи сиёсат йўлига амал қилиб, кенгаш иштирокчилари халқаро кескинликни камайтириш жараёнини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга, ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини халқаро ҳаётда барқарор қилишга барча идеологик воситалар билан кўмаклашиш зарур эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Кенгашда социалистик ҳамдўстлик мамлакатларини янада мустаҳкамлаш, шу мамлакатлар халқлари ўртасида қардошларча дўстликни мустаҳкамлаш, меҳнаткашларнинг социалистик ватанпарварлик ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш муқсадида қардош партиялар ўртасида ўзаро ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ғоят зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Социализм ва тинчлик ғояларини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш ва оммалаштириш, антикоммунизмга, империализмнинг реакцион идеологиясига, мустамлакачилик ва янги мустамлакачиликка қарши, Совет Иттифоқига ҳамда бошқа социалистик мамлакатларга нисбатан идеологик диверсияга қарши, агрессив империалистик доиралар томонидан халқаро кескинликни камайтириш жараёнини бузиш йўлидаги уринишларга қарши, халқларнинг озодлик, мустақиллик ва социал тараққиёт йўлида олиб бораётган адолатли курашига тўсқинлик қилишга қарши кескин зарба бериш — идеология ишининг муҳим проблемалари эканлиги кенгашда уқтириб ўтилди.

Кенгаш ўртоқларча, ишчанлик вазиятида ўтди. Кенгаш иштирокчилари қардош партияларнинг идеология соҳасидаги ҳамкорлигини ривожлантириш марксизм-ленинизм, социалистик интернационализм асосида уларнинг жипслигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирдилар.

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва А. Н. Косигин Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти ташкил этилган куннинг йиллиги муносабати билан Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг Раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг раиси доктор Нгуен Хиу Тхога ва Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг раиси доктор Хюинь Тан Фатга самимий қутловлар ва қизғин қардошлик саломи йўлладилар.

Телеграммада бундай дейилади:

Бундан ўн уч йил муқаддам тузилган Миллий озодлик фронти умумхалқ озодлик курашининг илҳомлантирувчи ва ташкилотчи кучи бўлиб майдонга чиқиб, империалистик агрессияни даф қилишда жуда катта муваффақиятларга эришди. Парижда Вьетнамдаги урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисида битим имзоланганлиги катта аҳамиятга молик воқеа бўлди.

Вьетнам халқининг агрессия ва уруш кучлари устидан қозонган ғалабаси — халқ буюк жасоратининг шонли натижаси бўлди, социалистик мамлакатлар, миллий озодлик ҳаракати, бутун тараққийпарвар инсониятнинг умумий ғалабаси бўлди.

Интернационализм ва халқлар ўртасидаги дўстликнинг ленинча принципларига содиқ бўлган совет кишилари ҳамиша Вьетнам ватанпарварлари билан қатъий бирдам бўлиб келдилар ва бундан кейин ҳам бирдам бўлаверадилар. Совет халқи Миллий озодлик фронти билан Муваққат революцион ҳукуматнинг Париж битимига қатъий ва оғишмай амал қилиш соҳасидаги ғайрат-ҳаракатларини тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди.

Шу шонли кунда Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтига, Муваққат революцион ҳукуматига ва халқига Жанубий Вьетнам проблемасини Вьетнамга доир Париж битими асосида одилона ҳал этиш учун курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришишини астойдил тилаймиз.

Шунга гоят аминмизки, Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти Марказий Комитети Президиумининг Раиси, Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати маслаҳат кенгашининг раиси доктор Нгуен Хиу Тхо бошчилигидаги Жанубий Вьетнам Республикаси делегациясининг Совет Иттифоқига қилаётган расмий дўстона визити СССР билан Жанубий Вьетнам Республикаси ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига янги муҳим ҳисса бўлиб қўшилади.

Яшасин Совет Иттифоқи билан Жанубий Вьетнам халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ва қардошларча бирдамлик!

# Н. В. ПОДГОРНИЙ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

20 декабрда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Совет Иттифоқига келган «Нидерландия — СССР» жамиятининг президенти Виллем Хюльстни Кремлда қабул қилди.

Дўстона ўтказилган суҳбатда чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи президиумининг раиси Н. В. Попова қатнашди.

(ТАСС).

# САККИЗТА ЙЎЛДОШ БАРАВАРИГА УЧИРИЛДИ

1973 йил 19 декабрь куни Совет Иттифоқида Ернинг сунъий йўлдошлари — «Космос-617», «Космос-618», «Космос-619», «Космос-620», «Космос-621», «Космос-622», «Космос-623», «Космос-624» учирилди. Саккизта йўлдошнинг ҳаммаси орбитага битта учирувчи ракета ёрдамида чиқариб қўйилди.

Йўлдошларга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

# КАТТА ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Сиёсий адабиёт нашриёти чоп этган китоб шундай деб аталади. Китоб муаллифлари — «Правда» газетасининг мухбирларидан Ю. Жуков, Н. Курдюмов, В. Некрасов, Б. Стрельников ўртоқ Л. И. Брежневнинг Америка Қўшма Штатларига қилган тарихий визити тўғрисида ҳикоя қиладилар.

Китоб муаллифлари Л. И. Брежнев билан бирга мамлакат бўйлаб сафар қилганлар, Совет — Америка музокараларининг очилишида, сўнгги йилларда Америкада бўлиб ўтган энг қизиқарли ва жуда кўп матбуот конференцияларида иштирок этганлар. Халқаро мавзуларда ёзувчи журналистлар шу тарихий визит чоғида имзоланган ҳужжатларни анализ қилиб беришган.

(ТАСС).

# Жаҳон бўйлаб

## А. А. ГРОМИКО ЖЕНЕВАГА КЕЛДИ

ЖЕНЕВА, 19 декабрь. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Яқин Шарққа бағишлаб ўтказиладиган конференцияда қатнашиш учун бугун Женевага келди.

Аэродромда уни Швейцария ҳукуматининг, Женева кантони ва шаҳри маъмурларининг вакиллари, чет эл давлатларининг элчилари, СССРнинг БМТ бўлими ҳузуридаги доимий вакили З. В. Миронова, бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

А. А. Громико аэродромда қуйидаги баёнотни берди:

«Биз Женевага Яқин Шарққа бағишланган сулҳ конференциясида қатнашиш учун келдик, бу конференциянинг мақсади Яқин Шарқ можаросини тинч бартараф этиш йўлларини қидириб топишдан иборат. Конференция чақирилганлигининг ўзи—катта халқаро аҳамиятга молик воқеадир. Бу эса Яқин Шарқдаги можарони одилона бартараф этиш учун қурашаётган кучларнинг муваффақиятидан далолат беради.

Конференцияда катта ва ғоят мураккаб иш бажарилиши лозим. Биз умид қиламизки, конференция қатнашчилари ўз олдиларида турган вазифаларнинг муҳим аҳамиятини тушуниб, конференция столи ёнида холис ният ва реализм туйғусини намоён этадилар.

Совет Иттифоқининг принципиал йўли яхши маълум: биз араб халқларининг одилона қурашини қатъият билан қуллаб-қувватлаймиз. Яқин Шарқ проблемасини БМТнинг тегишли қарорларини бажариш асосида бартараф этиш учун изчиллик билан курашаверамиз. Биз ўзимизнинг ана шу позициямизга амал қилиб Яқин Шарққа бағишлаб очилаётган сулҳ конференцияси ишининг муваффақиятига кўмаклашмоқ, конференция олдида турган вазифаларни амалий ҳал этишга ёрдам бермоқ учун имкони бўлган ҳамма ишларни қилиш ниятидамиз.

Қулай фурсатдан фойдаланиб, Женева шаҳрининг ҳамма аҳолисига энг яхши тилаклар топширмоқчиман».

* * *

Бугун СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бу ерда Миср Араб Республикаси ташқи ишлар министри И. Фаҳмий билан учрашди.

Дўстона вазиятда ўтган учрашув вақтида Яқин Шарққа бағишлаб ўтказиладиган конференция ишига боғлиқ бўлган масалалар муҳокама қилинди.

* * *

ЖЕНЕВА, 20 декабрь. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Яқин Шарқ хусусида ўтказиладиган сулҳ конференциясининг иши масалалари юзасидан Миср ташқи ишлар министри И. Фаҳмий билан суҳбатини бугун давом эттирди.

### ЖЕНЕВАДАГИ СУЛҲ КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико Яқин Шарқ хусусида бўладиган сулҳ конференциясида қатнашиш учун 19 декабрда Москвадан Женевага жўнаб кетди.

Манфаатдор томонлар ўртасида келишиб олинганига мувофиқ конференция 21 декабрда ўз ишини бошлаши керак.

СССР Ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, бошқа расмий кишилар Внуково аэродромида А. А. Громикони кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

## БИРДАМЛИК ҲАФТАСИ

20 декабрда бизнинг мамлакатимизда Жанубий Вьетнам ватанпарварлари билан бирдамлик ҳафтаси бошланди. Бу ҳафталик Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронти тузилганлигининг 13 йиллигига бағишланади.

Совет—Вьетнам дўстлиги жамиятида маълум қилишларича, бу кампанияда совет жамоатчилигининг кенг доиралари, хилма-хил касбдаги кишилар-ишчилар ва колхозчилар, олимлар ва маданият арбоблари, студент ёшлар қатнашмоқда.

Шу ҳафталик кунларида Москва, Ленинград, Киев, Волгоград, Владивосток, Ашхободда ва бошқа шаҳарларда ўз ватанининг озодлиги учун курашаётган Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг адолатли иши билан бирдамлик юзасидан йиғилишлар ва митинглар бўлиб ўтади. Бизнинг мамлакатимизда Совет—Вьетнам дўстлиги жамиятларининг икки миллга яқин коллектив аъзолари бор. Саноат корхоналарида, колхозларда, илмий муассасалар ва институтларда озод қилинган районларда янги ҳаёт қураётган Жанубий Вьетнам халқининг меҳнат ғалабаларини тасвирловчи фотовиставкалар очилади. Совет кишилари кечалар ва учрашувларда вьетнамлик биродарларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини яна бир марта изҳор қиладилар.

(ТАСС).

### АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ СЕНАТИДА

ВАШИНГТОН, 20 декабрь. (ТАСС). Америка конгресси сенати Уолтер Стесселни Америка Қўшма Штатларининг Совет Иттифоқидаги элчиси қилиб тасдиқлади. У. Стессел ҳозиргача АҚШ давлат секретарининг Европа ишлари бўйича ўринбосари лавозимини эгаллаб келар эди.

# ҚИРҒИЗИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг бу ерда бўлиб ўтган пленуми КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленумининг якунлари ва республика партия ташкилотининг вазифаларига бағишланди.

Пленумда Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. У. Усубалиев, Аравон районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг раиси С. Юсупова, Норин область партия комитетининг биринчи секретари М. Жунусалиев, Иссиқкўл область партия комитетининг биринчи секретари А. Дуйшеев, Фрунзедаги физикавий асбоблар заводининг ишчиси Н. В. Гринченко ва бошқалар сўзга чиқдилар. Уларнинг ҳаммаси КПСС Марказий Комитети Пленумининг қарорларини ғоят қизиллик билан маъқуллаб, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Пленумда сўзлаган нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни тўла-тўкис қўллаб-қувватладилар ҳамда оғишмай амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилдилар.

Пленумда Қирғизистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик ўсган бир вазиятда кутиб олганликлари, улар КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми талаб қилганидек, ҳали фойдаланилмаган резервлар ва имкониятларни 1974 йилда ишга солишга қатъий қарор берганликлари пленумда таъкидлаб ўтилди.

Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қабул қилган қарорда партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммасига КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларини республика меҳнаткашлари ўртасида тушунтиришни кенг авж олдириб юбориш вазифаси юклатилди.

(ТАСС).

**Фрунзе.**

# БЕЛОРУССИЯ ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ

МИНСК, 19 декабрь. (ТАСС). Бугун саккизинчи чақириқ Белоруссия ССР Олий Советининг олтинчи сессияси иш бошлади. Сессия БССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани тўғрисида, БССРнинг 1972 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақида БССР молия министри Б. И. Шатило доклад қилди.

Сессия ишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров қатнашмоқда.

Сессия ўз ишини давом эттирмоқда.

# ТОЖИКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Бугун Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми КПСС Марказий Комитети 1973 йилги декабрь Пленумининг якунлари ва республика партия ташкилотининг вазифаларини тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Пленумда Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ж. Расулов, Ленинобод область партия комитетининг биринчи секретари Р. Хўжаев, Тоғли Бадахшон автоном область партия комитетининг биринчи секретари Х. Давлатқадамов ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Пленум қабул қилган резолюциясида партия XXIV съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида КПСС Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг амалий фаолиятини тўлатўкис маъқуллади. Пленум КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларини, Л. И. Брежнев нутқидаги қоидалар ва хулосаларни республика партия ташкилотининг жанговар иш программаси, деб қабул қилди.

Пленум Тожикистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат плани ва давлат бюджети лойиҳаларини ҳам муҳокама қилиб, маъқуллади.

**Душанба.** (ТАСС).

# ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИ КУН ТАРТИБИДА

19 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правлениесининг пленуми бўлиб ўтди. «Билим» жамиятининг VI Бутуниттифоқ ва VII республика съездлари қарорларининг қандай бажарилаётганлиги тўғрисида жамиятнинг Наманган, Хоразм ва Бухоро область ташкилотлари правлениеларининг ҳисоботлари муҳокама қилинди.

Пленумда республика «Билим» жамиятининг 1974 йилги иш плани тасдиқланди. Пленумда партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми материалларини пропаганда қилишга, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига тайёргарликка катта эътибор берилди. Лекция пропагандасининг, жумладан, иқтисодий билимлар пропагандасининг сифати ва самарадорлигини янада ошириш, халқ университетлари ишини такомиллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

(ЎзТАГ).

# «ЛЕНИН ПАРТИЯСИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ»

Қорақалпоғистон АССР тарих-ўлкашунослик музейи ташкил қилган кўчма виставка ана шундай деб аталади.

Музей экспонатлари орасида Владимир Ильич Ленин ва сафдошларининг фотосуратлари, партиянинг оталарча ғамхўрлиги туфайли автоном республика меҳнаткашларининг ҳаётида рўй берган катта ўзгаришлар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар, КПСС тарихига оид китоблар бор.

Кўчма виставка Орол бўйидаги Шимолий ва Жанубий районларда ҳам намойиш қилинади.

# Механизаторларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашни кучайтирайлик

Механизаторларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш проблемаларига бағишланган республика семинар-кенгаши Тошкентда уч кун давом этди. Кенгаш ишида партия, комсомол ходимлари, ДОСААФ, «Билим» жамияти, ҳарбий комиссариатларнинг вакиллари қатнашдилар.

Ёшлар ўртасида ҳарбий билимларни пропаганда қилиш, Совет Армиясининг ҳаёти, ўқувчи ва студентлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси тўғрисида қилинган докладлар тингланди. Йиғилиш аҳли ҳузурида генерал-майор Ю. П. Максимов, Бутуниттифоқ «Билим» жамияти правлениеси раисининг ўринбосари, генерал полковник, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Н. М. Хлебников, Ҳарбий-кенгаш аъзоси — Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи сиёсий бошқармасининг бошлиғи генерал майор Н. О. Шукин, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Р. Х. Аминова, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг секретари А. Ҳўжаев ва бошқалар нутқ сўзладилар.

Семинар қатнашчилари ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасида орттирилган тажрибаларни бир-бирлари билан ўртоқлашдилар. Улар Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг музейини бориб кўрдилар. В. И. Ленин номли Тошкент олий умумҳарбий командирлар мактабининг муаллимлари ва курсантлари билан учрашдилар.

(ЎзТАГ).

# ПРАГАДАГИ УЧРАШУВЛАР

ПРАГА, 19 декабрь. (ТАСС). Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг Бош секретари Г. Гусак бугун бу ерда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречконинг қабул қилди.

Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи, армия генерали А. А. Епишев, Ҳарбий-ҳаво кучлари Бош қўмондони авиация бош маршали П. С. Кутахов, СССР Қуролли Кучлари Бош штаби бошлиғининг биринчи ўринбосари армия генерали Н. В. Огарков ва бошқалар А. А. Гречко билан бирга бўлдилар.

Ўртоқларча дўстона суҳбат чоғида Г. Гусак Чехословакияни озод қилиш учун олиб борилган жангларининг бевосита қатнашчиси бўлмиш А. А. Гречконинг ЧССРга қилган расмий дўстлик визити аҳамиятини юксак баҳолади. Г. Гусак ЧКП билан КПССнинг, иккала мамлакат халқларининг муваффақиятли ривожланиб бораётган ҳамкорлиги тарихий ролини, шунингдек Чехословакия Халқ Армияси билан Совет Армиясининг мустаҳкам қардошлигини алоҳида таъкидлади.

«Дўстлик ва тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтган суҳбатлар ва учрашувлар чоғида, — дейилади ахборотда, — томонлар Совет — Чехословакия ҳарбий ҳамкорлигининг ривожидан мамнун эканликларини билдирдилар ва шу ҳамкорликни ўз ўрталарида, шунингдек Варшава шартномаси доирасида янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш масалалари юзасидан, шунингдек ҳар икки томонни қизиқтирган бошқа муҳим масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар».

Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар ҳамма жойда самимий қабул қилинди ва уларга шодиёна меҳмондўстлик кўрсатилди. Бу меҳмондўстлик Чехословакия халқи билан Совет Иттифоқи ўртасида традиция бўлиб қолган дўстлик ва қардошларча бирдамлик туйғуларини ифода қилди.

Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко ЧССРга қилган расмий дўстона визити охирида совет элчихонасида зиёфат берди.

Зиёфатда ЧКП Марказий Комитетининг бош секретари Г. Гусак, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал, Чехословакиянинг бошқа раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

# СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ВДРДА БЎЛИШИ

ХАНОЙ, 19 декабрь. (ТАСС). СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Қозогистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси С. Б. Ниёзбеков бошчилигидаги СССР Олий Совети делегацияси Вьетнам Демократик Республикаси Миллий кенгашининг таклифига биноан дўстлик визити билан бугун бу ерга келди.

СССР ва ВДР давлат байроқлари билан безатилган Зилам аэродромида делегацияни ВДР миллат мажлиси доимий комитети раисининг ўринбосари, Вьетнам Меҳнаткашлар партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Хоанг Ван Хоан ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Демократик Вьетнам пойтахти ҳурматли меҳмонларни самимий кутиб олди. Шаҳар кўчалари совет халқи ва ВДРга визит билан келган унинг вакиллари шарафига табрик сўзлари ёзилган транспарантлар билан безатилган эди.

«Нян Зан» газетаси ўзининг бугунги бош мақоласида бундай ёзади: СССР Олий Совети делегациясининг визити — Вьетнам ва улуғ совет халқлари ўртасида тинмай мустаҳкамланиб, ривожланиб бораётган дўстлик ва революцион бирдамлик муносабатларининг яна бир намоён бўлишидир.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VI СЕССИЯСИ

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1974 ЙИЛГИ ДАВЛАТ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

## *Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Госплани раиси депутат С. К. ЗИЁДУЛЛАЕВ доклади*

Депутат ўртоқлар! Ушбу сессия КПСС Марказий Комитети ва Совет Ҳукумати халқимизнинг меҳнатига юксак баҳо бериши ва республикага Халқлар дўстлиги ордени топширилиши туфайли сиёсий активлик кучайган ва меҳнат ғайрати юксалган бир вазиятда ўтмоқда.

Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган даври ичида ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва меҳнаткаш зиёлиларининг фидокорона меҳнати, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг жуда катта ёрдами, партия ва совет органларининг катта сиёсий ва ташкилотчилик ишлари туфайли республика халқ хўжалигини ривожлантиришда ва халқ фаровонлигини юксалтиришда катта-катта муваффақиятларга эришилди.

1973 йил ва беш йиллик уч йили планининг ҳамма асосий кўрсаткичлари бажарилмоқда, уларнинг кўплари эса ошириб бажарилмоқда. Ялпи ижтимоий маҳсулот ва ҳосил қилинган миллий даромад ҳажмлари беш йиллик топшириғидан анча ошиб кетди.

Шу йил саноат маҳсулоти ҳажми 7,3 процент кўпаяди, беш йилликнинг уч йили мобайнида эса пландаги 25,4 процент ўрнига 27,2 процент ортади.

Халқ хўжалигида техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар саноатга нисбатан умуман тезроқ ўсди. Кўпгина энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик план топшириқлари анча ошириб бажарилмоқда.

Саноат ишлаб чиқариш коллективлари 11 ой мобайнида пландан ташқари 262 миллион сўм маҳсулот ишлаб чиқардилар ва шу билан ўзларининг оширилган социалистик мажбуриятларини ҳам ошиғи билан адо этдилар.

Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган йилларида қишлоқ хўжалигини, биринчи навбатда пахтачиликни ривожлантиришда катта-катта муваффақиятларга эришилди. Мамлакат дастлабки уч йил мобайнида пландан ташқари 1280 минг тоннадан зиёд пахта олди. Шу йил қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари пахтакор республикалар партия-хўжалик активларининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида ўтган йиғилишида зиммаларига олган ошириларини мажбуриятларини шараф билан бажардилар ва пахта етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан 1973 йил учун белгиланган мардадан анча ўзиб кетдилар. Давлатга 4 миллион 900 минг тоннадан зиёд ёки халқ хўжалиги планида кўзда тутилганидан 462 минг тонна кўп пахта топширилди. Шу йил бутун пахтачилик тарихида энг юқори ҳосил кўтарилди. гектар бошига ўрта ҳисобда 29,1 центнердан пахта олинди. Шу билан бирга кўпгина хўжаликларда ҳосилдорлик гектар бошига 45 центнердан ошиб кетди. Ҳосил терилишининг юксак даражада механизациялаштирилганлиги пахтакорлар эришган ютуқларга кўпроқ ёрдам берди. Ялпи пахтанинг 55 процентдан ошиғи машиналарда териб олинди.

Бу йил қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ҳам катта-катта муваффақиятларга эришилди. Ватан омборларига 612 минг тоннадан зиёд дон, шу жумладан 210 минг тонна шоли тўкилди. Бир йил ичида маккажўхори дони етиштириш уч баравар кўпайди. Давлатга пилла, сабзавот, мева, узум, қовун-тарвуз сотиш мажбуриятлари барвақт бажарилди. Чорвачилик маҳсулотларини харид этиш планлари бажарилмоқда, мол ва парранда кўпайтирилмоқда, чорвачиликнинг маҳсулдорлиги ошмоқда.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илғорларидан 26 кишига Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонлари берилганлиги ва кўпгина илғорлар орден ва медаллар билан мукофотланганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб Ўзбекистон меҳнаткашлари жуда хурсанд бўлдилар.

Беш йилликнинг ўтган йилларида республикамизда **транспорт ва алоқа** янада ривож топди. **Капитал қурилиш** катта кўламларда олиб борилмоқда. Беш йилликнинг уч йили мобайнида барча молиявий манбалар ҳисобидан 10,5 миллиард сўм ўзлаштирилди. 9 миллиард сўмлик фондлар жорий этилади ва ўзлаштирилади. Бу саккизинчи беш йилликнинг шу йилларида жорий этилганидан 36 процент кўпроқдир.

Республикада илм-фанни ривожлантириш ва техникани тараққий эттириш юзасидан каттагина ишлар бажарилди.

**Аҳоли турмуш даражасини юксалтириш тадбирлари оғишмай амалга оширилиб боряпти.**

Беш йилликнинг уч йили мобайнида аҳоли жон бошига реал даромадлар 11,3 процент кўпаяди. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, колхозчиларнинг даромадлари пенсиялар ва стипендиялар анча оширилди. Чакана товар оборoти ва аҳолига кўрсатиладиган маиший хизматлар ҳажми кўпайтирилди. Магазинлар ва умумий овқатланиш корхоналари анча кўпайди.

Халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш янада ривож топди. Беш йилликнинг ўтган уч йили мобайнида, айниқса 1973 йилда халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида КПСС XXIV съезди директивалари ва Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди қарорларини бажариш ишларида катта-катта муваффақиятларга эришилди.

Биз республика халқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган муваффақият ва ютуқларни қайд этиш билан бирга, ҳамон мавжуд камчиликларга барҳам бериш, ишлаб чиқаришни ўстиришда фойдаланилмаган резервларни сафарбар этишга эътиборни сусайтирмаслигимиз керак. Капитал қурилишда ишлаб чиқариш қувватларини ва асосий фондларни ишга тушириш топшириқлари етказиб бажарилмаганлигини айтмасдан бўлмайди. Уй-жой, мактабгача тарбия муассасалари, маданият, соғлиқни сақлаш, савдо-сотиқ, маиший хизмат объектларини қуришдаги мавжуд камчиликларга барҳам берилмоғи лозим. Қурилишларнинг смета қийматини ошириб юбориш ҳолларига ҳамон барҳам берилгани йўқ. Қурилиш ташкилотлари, министрликлар ва идораларнинг ҳамда маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг раҳбарлари, мана шу камчиликларни тугатишга жуда жиддий эътибор беришлари зарур.

Республика Министрлар Совети муҳокамага қўйган Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги плани беш йиллик план юзасидан КПСС XXIV съездининг директивалари ҳамда партия ва ҳукуматнинг съезддан кейин қабул қилган қарорлари асосида ишлаб чиқилган.

План министрликлар ва идораларнинг Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг таклифларини, беш йилликнинг дастлабки уч йили мобайнида республика халқ хўжалигини ривожлантириш якунларини назарда тутиб ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорига ва СССР Олий Советининг VII сессияси тасдиқлаган СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги давлат планига мувофиқ ҳолда тайёрланган.

Планда республика иқтисодий потенциалини янада ошириш ва унинг Бутуниттифоқ меҳнат тақсимотига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш мақсадларида мавжуд резервлардан янада самарали фойдаланиш кўзда тутилади.

1974 йилда ялпи ижтимоий маҳсулот 1973 йилда қутилаётганига нисбатан 7 процент, миллий даромад эса 6,9 процент кўпаяди.

Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида ижтимоий маҳсулот 29,5 процент ва миллий даромад 28,3 процент кўпаяди. Бу рақамлар беш йиллик план топшириқларида кўрсатилганидан юқоридир.

## САНОАТ

Саноат моддий ишлаб чиқаришнинг етакчи соҳасидир. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6,8 процент кўпаяди. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1970 йилдагига нисбатан 2,5 миллиард сўмдан зиёд ёки 34,8 процент кўпаяди, бир йилда эса 600 миллион сўм кўпаяди. Бошқача қилиб айтганда, 1974 йилда ҳар куни ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулоти 1973 йилдагига нисбатан 2,4 миллион сўмлик кўп бўлади. Саноатда меҳнат унумдорлиги 5,6 процент кўтарилади.

Кўпгина муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш юзасидан 1975 йилга мўлжалланган даражага эришилади ёки ундан ўзиб кетилади. Табиий газ, кимёвий машина-ускуналар, пассажир лифтлари, тракторлар, культиваторлар, чигит сеялкалари, ўсимлик мойи ва бошқалар шулар жумласидандир.

**Электр энергетика** республика халқ хўжалиги ва аҳолисининг электр энергияга бўлган эҳтиёжларини тўла қондириш кўзда тутилади. Ҳосил қилинадиган электр энергияси 1970 йилдаги 18,3 миллиард киловатт-соатга етади, яъни 52 процент кўпаяди. Бу рақам беш йиллик планда белгиланган топшириқларга мувофиқ келади.

Тахиатош ГРЭСида 110 минг киловатт қувватли энерго блокни фойдаланишга топшириш кўзда тутилади. Шу билан ГРЭСнинг қуввати 360 минг киловаттга етади. Бунинг Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областини электр энергияси билан бетўхтов таъминлашда катта аҳамияти бор. Сирдарё ГРЭСида 300 минг киловатт қувватли учинчи энерго блок монтаж қилиниб бўлади.

Халқ хўжалигини электр энергия билан таъминлашни яхшилаш мақсадларида планда электр линиялари қуришга катта эътибор берилди.

Саноатда электр энергия истеъмоли бир йилда 14 процент кўпаяди. Қишлоқ хўжалигида тўрт йил ичида электр энергия истеъмоли 2,2 баравар кўпаяди. Бир йилда аҳоли жон бошига ҳосил қилинадиган электр энергия 1970 йилдаги 1511 киловатт-соат ўрнига 2080 киловатт-соатга етади.

1974 йилда умуман **ёқилғи саноати** ҳосил қиладиган маҳсулот беш йиллик планда кўзда тутилган даражадан ошиб кетади. 36,6 миллиард куб метр ҳажмда газ қазиб чиқариш мўлжалланади. Бу беш йиллик план топшириғида кўзда тутилганидан кўпдир. Халқ хўжалигини газлаштириш процесси интенсив равишда давом эттирилади.

Қазиб чиқариладиган кўмир 1973 йилдагига нисбатан 305 минг тонна кўпайиб 4545 минг тоннага етади.

**Қора металлургия** янада ривож топади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми булутурги йилдагига нисбатан 9,4 процент кўпаяди. Ўзбекистон металлургия заводида янги қувватларни ўзлаштириш ҳисобига қора металл темир-терсакларини қайта қуйиш ортади, прокат ва пўлат эритиш кўпаяди. Шу заводда эмалланган идиш-асбоб цехи фойдаланишга топширилади. Тошкентда қора металл темир-терсакларини қайта қуювчи завод қуриб, фойдаланишга топшириш ҳам кўзда тутилган.

**Рангли металлургия** аввалгидек юксак суръатлар билан ривожланиб боради. Мис маъдани қазиб чиқариш, мис концентрати, металл вольфрам ва молибден, руҳ ва кўрғошин ҳамда бошқа маҳсулотлар ҳосил қилиш анча кўпаяди.

**Химия саноати** аввалги йилларда бўлгани сингари умуман республика саноатига нисбатан илғор суръатлар билан ривожланиб боради.

Минерал ўғит ишлаб чиқариш 641,9 минг тонна кўпайиб, 5979 минг тоннага етади.

Пахтани машинада териш янада кўпайиши муносабати билан 1974 йилда магний хлорат дефолиант моддасини ишлаб чиқариш беш йиллик планда кўзда тутилганига нисбатан 1,5 минг тонна кўпаяди.

Олмалиқ маиший химия заводида халқ истеъмоли кимёвий молларининг хиллари кўпайтирилади.

Фарғона азот-ўғит заводи, Навоий кимё комбинати, Олмалиқ кимё заводи, Самарқанд суперфосфат заводи, Ангрен резина комбинати ва Навоий электр кимё комбинати қурилишларининг кўлами кенгайтириб юборилади. Нил ичида мана шу соҳага сарфланадиган капитал маблағлар ҳажми 36 процент кўпаяди.

**Машинасозлик.** Умуман шу соҳа бўйича ишлаб чиқариш ҳажмини 1973 йилдагига нисбатан 12 процент ва 1970 йилдагига нисбатан беш йиллик планида кўзда тутилган 43,2 процент ўрнига 54,6 процент кўпайтириш мўлжалланади.

Машинасозлик корхоналарида бир қанча янги машина ва ускуналар ишлаб чиқара бошлаш ёки ишлаб чиқараётганларини кўпайтириш мўлжалланади.

«Ташсельмаш» заводида кенг қаторлар учун мўлжалланган тўрт қаторли пахта териш машиналарини ишлаб чиқариш кўпайтирилади. Шу заводнинг ўзида ингичка толали пахта терадиган ва пахтани табақалаб терадиган машиналар тажриба туркуми ишлаб чиқарилади.

«Союзхлопкомаш» бирлашмасининг корхоналарида ингичка толали пахта навлари толасини ажратадиган янги машиналар, шунингдек пахтани қуритадиган ва тозалайдиган поток линияларини ишлаб чиқариш кўзда тутилади.

Машинасозлик заводларида маданий-маиший ва уй-рўзғор моллари ишлаб чиқариш ҳажмини 1973 йилдагига нисбатан 30 процент кўпайтириш кўзда тутилади.

Беш йиллик планга мувофиқ бир қанча корхоналар қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш мўлжалланади.

**Бинокорлик материаллари саноати.** Планда бинокорлик материалларини 1973 йилдагига нисбатан 10 процент кўпроқ ишлаб чиқариш кўзда тутилади.

Бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш суръатлари қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг ўсишига нисбатан бирмунча жадаллаши кўзда тутилади. Бинокорлик материалларини асосий турларини ишлаб чиқаришнинг белгиланган ҳажми беш йиллик план топшириқларига мувофиқ келади, цемент, шифер, асбоцемент қувур, дераза ойнаси каби муҳим материаллар бўйича эса ундан бирмунча ўзади.

Юксак маркали, декоратив, тез қотадиган, тампонаж цемент, катта шифер каби янги самарали бинокорлик материалларини ишлаб чиқара бошлаш ёки шундай материаллар ишлаб чиқараётган корхоналарни кенгайтириш кўзда тутилади. Безак ғишт ва пластик лой қўшилган блок ишлаб чиқариш ўзлаштирилади .

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи **енгил саноат тармоқлари маҳсулотини ишлаб чиқариш** шу йилдагига нисбатан 8,6 процент кўпаяди.

Шойи газлама, чарм пойафзал, ички трикотаж ишлаб чиқариш гоят юксак суръатлар билан ривожланади. Бухоро ип-газлама комбинати маҳсулот бера бошлайди. Унда 5 миллион квадрат метрдан зиёд газлама тўқиб чиқарилади. Наманган шойи комбинати 34 миллион квадрат метрга яқин ёки республикада тўқилаётган шойи газламаларнинг 38 процентдан ошигини тўқиб чиқаради.

Маҳсулот сифатини анча яхшилаш ва таннархини арзонлаштириш, шунингдек чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш 1974 йилда енгил саноатнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланади.

1.565 минг тонна пахта толаси тайёрланади, бу беш йиллик пландаги топшириқлардан юқоридир. Шеробод, Чирчиқ, Жиззахда ҳамда Сирдарё областидаги «Дўстлик» совхозида 4 та пахта заводини ишга тушириш, 6 та янги тайёрлов пунктларини, 19 та қуритиш тозалаш цехлари ва 6 та тола ажратиш цехларини қуриш мўлжалланади.

**Ўрмон ва ёғочсозлик саноатини янада ривожлантириш кўзда тутилади.** «Упрмебельпром» корхоналари бўйича ялпи маҳсулот ҳажми 1973 йилдагига нисбатан 10 процент, «Узгалвеспром» корхоналари бўйича эса 6 процент кўпаяди. Мебель тайёрлаш 11 процент ортади.

**Озиқ-овқат саноати** ўсиш суръатлари бўйича беш йиллик планнинг 1974 йилги топшириқларига нисбатан жадалроқ ривожланиб бормоқда. 1973 йилга нисбатан маҳсулот ишлаб чиқариш 6 процент кўпаяди.

Шуни уқтириб ўтмоқ лозимки, соҳанинг энг муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича, шу жумладан ўсимлик мойи, сабзавот-мева консервалари, давлат ресурслари хом ашёсидан гўшт, колбаса маҳсулотлари (беш йиллик топшириқлари даражасида), қаймоғи олинмаган сут маҳсулотлари, ҳовузлардан тутиладиган балиқ тайёрлаш жиҳатидан беш йилликнинг 1974 йилга мўлжалланган топшириқларидан ўзиб кетилади.

Ун-ёрма ва **омихта ем саноати** янада ривож топади,

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Республика қишлоқ хўжалиги беш йиллик планда кўзда тутилганидан янада юксак суръатлар билан ривожланиб бормоқда. 1974 йилда ялпи маҳсулот ҳажми шу йилдагига нисбатан 6,5 процент кўпаяди.

Планда 4577 минг тонна, 1978 йилги пландан 132 минг тонна кўп пахта етиштириш кўзда тутилган. Республика қишлоқ хўжалигининг меҳнаткашлари ўз резервларини сафарбар этиб, юбилей йилида мамлакатга 5 миллион тоннадан зиёд пахта, шунингдек 2 миллион тонна дон, камида 23 минг тонна (беш йиллик план топшириғидагидан 1,8 минг тонна кўп) пилла бериш, 1974 йилда план топшириқларига нисбатан сабзавот, қовун-тарвуз, мева, узум, картошка, гўшт, сут, тухум ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш вазифаларини ўз олдиларига қўйдилар. Шу вазифаларнинг бажарилмоғини таъминлаш учун катта тадбирлар программасини амалга ошириш мўлжалланади.

Жорий этилаётган алмашлаб экиш тартиботига мувофиқ экиладиган майдонлар структурасини янада яхшилаш кўзда тутилган. Бедазорлар 427 минг гектаргача етказилади. Келаси йил барча пахтакор хўжаликларнинг учдан бир қисми батамом ўзлаштирилган алмашлаб экилувчи майдонларга эга бўлади ва 989 минг гектарга яқин ёки алмашлаб экишга жорий этилувчи жами майдонларнинг 50 процентчаси ўзлаштириш босқичида бўлади. Шу билан бирга шоли, дон учун экиладиган маккажўхори, полиз ва картошка майдонлари кўпайтирилади.

1240 минг тонна ун (шу жумладан 1200 минг тонна сортли ун) тортиш кўзда тутилади. Бу 1973 йилдагига нисбатан 230 минг тонна ёки 22 процент кўпдир. 96 минг тонна ёки шу йилдагига нисбатан 4 процент кўп ёрма, 800 минг тонна ёки 9 процент кўп омихта ем ишлаб чиқарилади.

**Маҳаллий саноат** тез суръатлар билан ривожланишда давом этмоқда. Гилам ва гилам маҳсулотлари, тўқимачилик галантереяси, халқ бадиий ҳунармандчилик маҳсулотлари тайёрлаш, шойи газлама, совғалар, кийим-кечак, маданий-маиший ва уй-рўзғор моллари тайёрлашни анча кўпайтириш мўлжалланади.

95 хил янги маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш кўзда тутилади.

1974 йилда маданий-маиший ва уй-рўзғор молларини ишлаб чиқаришни 1973 йилдагига нисбатан 16,5 процент кўпайтириш кўзда тутилади.

Рўзғор холодильниклари, мебель, заргарлик асбоблари, қийма машина, рўзғор кимёси маҳсулотлари ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш мўлжалланади.

Республика саноатининг резервлари катта.

1974 йил — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг ярим асрлик юбилейи ўтказиладиган алоҳида йилдир. Бу шоили воқеа, сиёсий активлик ва меҳнат ғайратини янада юксалтириб юбориши шубҳасиз. Социалистик мусобақа катта қулоч ёйди. Шундай шароитларда 1974 йилда республика бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ва реализация этиш планини камида 280-300 миллион сўм қилиб ёки белгиланган пландаги дан 2,8-3 процент ошириб бажариш вазифасини бемалол уддалаш мумкин.

Бу нарса 1974 йилда саноат ишлаб чиқаришни ўстириш суръатларини юксалтиришга имкон беради ҳамда тўққизинчи беш йилликнинг пландаги топшириқлари умуман тўла ва ошириб бажарилишини таъминлайди.

Бу вазифани бажариш министрликлар, маҳаллий Советларнинг идораларида ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлари мумкин қадар тўлароқ фойдаланиш, хом ашё, материал ва электр энергиясини тежаб-тергаб ишлатиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш борасида катта ташкилотчилик ишлари ўтказилишини талаб қилади.

Қишлоқ хўжалиги моддий-техника базасини янада мустаҳкамлашга доир комплекс тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган. Давлат ва колхоз капитал маблағлари жами 2 миллиард сўм миқдорида бўлиши кўзда тутилади.

Ирригация-мелиорация ишларига 467,7 миллион сўм ажратиш кўзда тутилади. сув хўжалик қурилиш ҳажми 1973 йилдагига нисбатан 25 процент кўпаяди.

Янги пахтакор ва шоликор районларда катта кўламда ишлар бажариш кўзда тутилади.

Экин майдонлари 1973 йилдагига нисбатан жами 80,8 минг гектар кўпаяди.

Умуман республикада келаси йили 111 минг гектардан ортиқ майдонда ерларни ирригация-мелиорация жиҳатидан тайёрлаш ишлари бажарилади.

Қишлоқ хўжалигига 18,7 мингтадан зиёд трактор, 6,5 мингта юк автомобили, 1 минг галла ўриш комбайни, 14,3 минг трактор прицепи, кўп пахта териш машинаси, бульдозер, экскаватор ва бошқа техника етказиб берилади.

Улар пахтачиликда ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бошқа ҳамма соҳаларида ишларнв механизациялаш даражасини анча юксалтиришга имкон беради Пахта терим машиналари билан камида 2,7 миллион тонна пахта териб олинади.

Планда чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулдорлигини оширишга, унинг озуқа базасини мустаҳкамлашга катта эътибор берилади. Жами қуввати тухум қиладиган 330 мингта товуқ боқишга ва 1 миллионта гўштбоп жўжа боқишга мўлжалланган паррандачилик фабрикаларини ишга туширш кўзда тутилади. 10 минг бош бузоқ боқиб семиртиришга мўлжалланган чорвачилик комплекслари, кўп чорвачилик бинолари ва ҳоказолар қурилиб, ишга туширилади.

«Узсельхозтехника» бирлашмасининг машина ва механизмлар ремонт қилувчи ишлаб чиқариш базасини кенгайтириш, 1,2 минг автомобилга техникавий хизмат кўрсата оладиган станциялар қуриб ишга тушириш, минерал ўғит ва ваҳарли дорилар сақланадиган омборлар қуриш мўлжалланади.

Шундай қилиб, 1974 йилда қишлоқ хўжалигида, айниқса пахтачиликда планни бажариш учун катта-катта тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган.

## ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Темирйўл, автомобиль ва ҳаво транспортини янада ривожлантириш мўлжалланади.

Барча транспорт турларидаги юк оборoти 1973 йилдагига нисбатан 3,6 процент, шу жумладан умумий фойдаланиладиган автомобиль транспортида 8,7 процент кўпаяди.

Тошкент, Наманган, Қарши, Наманган областининг Жумашўй, Фарғона областининг Киров посёлкаларида 32 минг номерга мўлжалланган автомат телефон станция қувватларини ишга тушириш мўлжалланади. Қишлоқ автомат телефон алоқаси 7,6 минг номер кўпайтирилади.

1974 йилда **капитал қурилиш** янада катта қулоч ёзади. Барча молиявий манбалар ҳисобидан сарфланадиган капитал маблағлар жами ҳажми республика территорияси бўйича 1973 йилдаги 3,8 миллиард сўм ўрнига 4 миллиард сўмга етади.

Республика ва иттифоқ-республика хўжаликлари бўйича далага капитал маблағларининг ўзигина 2107 миллион сўмни ташкил этади, яъни 1973 йилдагига нисбатан 9 процент кўпаяди. Меҳнат унумдорлиги 6,5 процент ошади.

Капитал маблағлар тақсимотида халқ хўжалиги соҳаларининг тўғри мутаносиб равишда ривожлантирилишини мумкин қадар таъминлаш зарурати ҳисобга олинди. Шу муносабат билан жами капитал маблағларнинг 75 процентн ишлаб чиқариш қурилишларига, 25 процентн эса ишлаб чиқаришга даҳлсиз қурилишларга сарфланади. Қишлоқ хўжалик комплексини ривожлантиришга жами капитал маблағларнинг 50 процентдан ошиғи ажратилади.

Капитал маблағлар иқтисодий самарадорлигини ошириш мақсадида планда ишга тушириладиган қурилишларга кўпроқ капитал маблағлар сарфланишига ва асосий фондларни ишга туширишга алоҳида эътибор берилган. Кўзда тутилган қурилиш-монтаж ишлари бажарилмоғини таъминлаш учун қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базаларини янада ривожлантириш, самарали бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи ўсдириш, асосий қурилиш ва монтаж ишларини механизациялаш даражасини юксалтириш, қурилишнинг техника даражасини ошириш мўлжалланади.

Шу билан бирга, қурилиш министрликлари ва идоралари қурилиш ташкилотларининг мавжуд қувватларидан, қурилиш техникаси ва транспорт воситаларидан фойдаланишни тубдан яхшилаш ҳамда бинокорлик материалларини ниҳоятда тежаб-тергаш чораларини кўришлари зарур.

## ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

Илм-фаннинг ривожланиши ва ишлаб чиқаришда янги техниканинг жорий этилиши ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини юксалтирувчи энг муҳим шартлардан биридир. Шунинг учун план лойиҳасида республикада илмий тадқиқот ишларини ривожлантиришга, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга катта эътибор берилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг илмий муассасаларига бериладиган маблағларни кўпайтириш кўзда тутилади.

Илмий тадқиқот ишлари халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг актуал проблемаларини ҳал этишга қаратилади.

Министрликларнинг корхоналарида, республика идораларида ҳамда иттифоқ-республика министрликларига қарашли саноатга алоқасиз корхоналарда илғор технологияни жорий этиш, ишлаб чиқариш процессларини механизациялаш ва автоматлаштириш бўйича 181 та тадбирни, шу жумладан илғор технологияни жорий этиш бўйича 116 та тадбирни, механизациялаш бўйича 53 та тадбирни ва ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш бўйича 16 та тадбирни жорий этиш мўлжаллаб қўйилди. 90 мингга яқин ишчи ва инженер-техник ходимларни меҳнатни илмий ташкил этиш тадбирлари билан қамраб кўзда тутилган. Замонавий бошқариш техника воситалари ва электрон ҳисоб техникасидан фойдаланиш анча кўпаяди.

## ХАЛҚ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШ

1974 йилда аҳоли турмуш даражасини янада анча ошириш тадбирларини рўёбга чиқариш мўлжалланади.

Аҳолининг **пул даромадлари** 1973 йилдагига нисбатан 7,5 процент, иш ҳақи фонди эса 9,5 процент кўпаяди.

Минимал иш ҳақини ойига 70 сўмгача кўпайтириш, шунингдек саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва алоқанинг ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ўртача ҳақ олувчи ишчи категорияларининг тариф ставкаларини 26-30 процент кўпайтириш ҳамда шу тармоқлардаги инженер-техник ходимларнинг мансаб маошларини 18-22 процент кўпайтириш тўғрисида қарорлар амалга оширилади. Инвалидларга ва боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларга бериладиган пенсиялар оширилади. Кам таъминланган оилаларда болаларга нафақа тайин қилинади.

1947—1956 йилларда чиқарилган давлат ички заёмларининг пуллари тўлана бошлайди.

Давлат ва кооператив савдо-сотиғининг **чакана товар оборoти** 6490 миллион сўм миқдорида бўлиши ва 1973 йилдагига нисбатан 7,3 процент ўсиши, шу жумладан давлат савдо-сотиғида 7 процент ва кооператив савдосида 7,6 процент ўсиши мўлжалланади.

Магазинлар, ошхоналар кўпаяди, музхона ва сабзавот омборлари катталаштирилади.

Аҳолига саноат моллари ва озиқ овқат маҳсулотларини сотиш, айниқса шойи, газлама, пойафзал, чинни асбоб, бинокорлик материаллари, кондитерлик маҳсулотлари, ўсимлик мойи, сут маҳсулотлари ва бошқа хил маҳсулотлар сотиш анча кўпаяди. 1974 йилда аҳолига 24 мингтача енгил автомобиль сотилади, яъни 1973 йилдагидан 27 процент кўпаяди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳажми кенгаяди.

Халқ маорифи янада ривож топади. Умумий таълим мактабларидаги ўқувчилар 3459 минг кишига етади ёки 1973 йилдагидан 49 минг киши кўп бўлади.

Йил мобайнида меҳнат ресурсларининг ўсиши 3,9 процентни ташкил этади, шунинг учун ҳунар-техника таълими системасида малакали ишчилар тайёрлашни анча кўпайтириш мўлжалланганлиги катта аҳамият касб этади.

Республика министрликлари ва идораларининг мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар 284 минг кишига етади, яъни 1973 йилдагидан 16 минг бола кўп бўлади, колхозларнинг мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар эса 198 минг кишига етади, яъни 1973 йилдагидан 32 минг бола кўпаяди.

Олий мактабларга 46 минг нафардан ошиқ кишини қабул қилиш кўзда тутилади, яъни беш йиллик топшириғига мувофиқ келади. Ўрта махсус ўқув юртларига эса 61 минг ўқувчи қабул қилинади.

Айниқса қишлоқ жойларда маданий-оқартув муассасаларини кўпайтириш мўлжалланган.

**Соғлиқни сақлашни** янада яхшилаш борасида бир қанча тадбирлар ўтказиш кўзда тутилади. Шифохоналардаги ўринларни беш йиллик план топшириғидаги 134 минг ўринга нисбатан 135,5 минг ўринга етказиш мўлжалланади. Андижон, Чирчиқ, Тошкент, Ангрен, Сирдарё областидаги Крестьянское қишлоғида ва бошқа жойларда қурилаётган шифохона ва бошқа объектлар битказилади.

**Уй-жой ва коммунал қурилиш** аввалгидек катта кўламда олиб борилади. Жами 2,7 миллион квадрат метр уй-жой сатҳини фойдаланишга топшириш мўлжалланади.

* * *

Депутат ўртоқлар! 1974 йилги халқ хўжалик плани КПСС XXIV съездининг тўққизинчи беш йиллик план юзасидан қабул қилган Директивларини ҳамда Ўзбекистон Компартияси XVIII съездининг шу план юзасидан қабул қилган қарорларини бажариш йўлида босилган янги бир катта қадамдир. План тиғиз тузилган. Буни муваффақиятли бажариш учун ишлаб чиқариш ички резервларини сафарбар қилиш, ишлаб чиқаришни ташкил этиш даражасини юксалтириш, меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлигини янада кенгайтиришга, давлат план интизомини мустаҳкамлашга эришиш талаб қилинади.

Республика меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида Ўзбекистон ССРининг ва Ўзбекистон Компартиясининг ярим асрлик юбилейини 1974 йилги планни муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш билан нишонлайдилар, деб ишонч билдиришга руҳсат этгайсиз. (**Қарсаклар**).



Суратда: Ўзбекистон ССР Олий Совети сессиясига Андижон областидан келган бир группа депутатлар: (чапдан ўнгга) Кўргонтепа районидаги Энгельс номли колхоздан Майрамхон Қаюмова, Москва районидаги «Правда» колхозидан Турсунхол Абдуназарова, Андижон районидаги Киров номли колхоздан Зулунхон Қўчқорова, Хўжаобод районидаги «Ўзбекистон» колхозидан Саодатхон Қаҳҳорова, Бўз районидаги Мирзаахмедов номли совхоздан Маҳбуба Назаровалар.

И. Глауберзон фотоси.

* Қисқартирилган стенограмма-да эълон қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ VI СЕССИЯСИ

# ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1974 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ТЎҒРИСИДА

## Ўзбекистон ССР молия министри депутат В. МУРОДХЎЖАЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Тўққизинчи беш йилликнинг ҳозирги учинчи, ҳал қилувчи йили улуғ Ватанимиз тарихида шонли бир поғона бўлиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXIV съезди ишлаб чиққан социал-иқтисодий программани амалга оширишда янги катта муваффақиятлар билан нишонланди.

Ўзбекистон меҳнаткашлари барча совет кишилари сингари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошириш, беш йиллик топшириқларини бажариш йўлида завқ-шавқ билан меҳнат қилмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг Тошкентга келиши, унинг пахтакор республикалар партия-хўжалик активи йиғилишида ва республикага Халқлар дўстлиги орденини топширишга бағишланиб ўтказилган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Олий Советининг тантанали мажлиси ишида қатнашуви меҳнат ғайратини ва сиёсий активликни янада жўш урдириб юборди.

Ўзбекистон ССР меҳнаткашлари 1973 йил планини муддатидан аввал бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, бу йилни жамоат ишлаб чиқаришини юксалтиришда, халқнинг маданиятини ривожлантиришда ва моддий фаровонлигини оширишда янги-янги ютуқлар билан якунламоқдалар.

Саноат ходимлари маҳсулотни реализация қилиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш планларини орттириб бажармоқдалар. Қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, деҳончилик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёздириб, пахтакор республикалар партия-хўжалик активининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида ўтказилган йиғилишида қабул қилинган юксак мажбуриятларни бажардилар. Ватан Ўзбекистондан 4 миллион 900 минг тоннадан кўпроқ — халқ хўжалик планида белгиланганидан 462 минг тонна ортиқ «оқ олтин» олди.

Халқ хўжалиги тармоқлари жамоат ишлаб чиқаришини ривожлантиришда бу йил эришган юксак суръатлар давлат бюджетини муваффақиятли бажариш учун иқтисодий негиз яратди.

Ўзбекистон ССРнинг давлат бюджети 1973 йилда даромадлар бўйича 101,2 процент бажарилмоқда.

Бу йил Қорақалпоғистон АССР, ҳамма областлар ва Тошкент шаҳри, барча районлар ва шаҳарлар бюджетларининг даромад қисмини бажараётганлигини таъкидлаб ўтиш муҳимдир. Шу туфайли халқ хўжалик планида кўзда тутилган ҳамма тадбирларнинг бажарилишини пул билан узлуксиз таъминлаб туриш, шунингдек план ва бюджетни бажариш жараёнида вужудга келган қўшимча эҳтиёжларни молия ресурслари билан таъминлаш мумкин бўлди.

Аммо халқ хўжалигида фойдаланилмаётган резервлар ҳали кўп, уларни ишга солиш республиканинг муваффақиятларини анча кўпайтирган бўлур эди.

Наманган шойи ва костюмбоп газламалар комбинати, Марғилон «Атлас» фирмаси ва Самарқанд шойи тўқиш фабрикаси шу йилнинг 11 ойи мобайнида кўп миқдордаги шойи газламаларни бермади. Самарқанд чинни заводи чинни-фаянс идишлар ишлаб чиқариш топшириғини бажармади. Шу корхоналарнинг ўзи камроқ ишлаб чиқарган моллардан олиниши лозим бўлган 18,6 миллион сўм миқдоридаги оборот солиғи бюджетга тушмай қолди. Самарқанддаги рўзғор холодильниклари заводидан ва Қибрай пиво-спиртсиз ичимликлар комбинатидан кўп миқдордаги оборот солиғи олинмай қолди.

1973 йилда фойдадан олинадиган 882 миллион сўм тўлов давлат бюджетига топширилади, шу тариқа бу соҳада белгиланган план 101,1 процент бажарилади.

Фойдадан олинадиган тўловлар бўйича давлат олдидаги мажбуриятларнинг бажарилиши асосан жамғарма планларининг бажарилишига боғлиқ эканлиги маълум. 1973 йил январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон ССР Министрлар Совети қарамоғидаги министрликлар ва идораларнинг фойдаси 1 миллиард 19 миллион сўм бўлди, план 105,1 процент бажарилди.

Айрим министрликлар ва идораларда 1973 йил жамғарма планларининг бирмунча бажарилмай қолиши кутилмоқда, бу эса хўжаликка ва бюджет ресурсларини камайтиради.

Масалан, Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ва Қурилиш министрлиги ана шулар жумласига киради.

Молия министрлиги ва маҳаллий молия органлари 1973 йилда кўпгина аналитик ишларни бажардилар, қўплаб ревизия ва текширишлар ўтказилди. Ўтказилган текширишлар натижасида бюджет даромадларини кўпайтириш ва харажатларини 73,2 миллион сўм миқдорида қисқартириш учун етарли ички хўжалик резервлари борлиги аниқланди. Ишлаб чиқариш резервларини тўла-тўкис сафарбар қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш, раҳбарлик услуби ва методларини такомиллаштириш, иқтисодий ва контроль ишининг савиясини янада ошириш учун қўшимча чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республиканинг 1974 йилги давлат бюджетини муҳокамангизга ва тасдиғингизга тақдим этади.

Тўққизинчи беш йилликнинг тўртинчи йили — 1974 йилда КПСС XXIV съездининг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани Директиваларидан, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг 1973 йил декабрь Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган янги катта халқ хўжалик тадбирлари амалга оширилади.

Келгуси йил давлат бюджетининг лойиҳаси КПСС XXIV съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг йўл-йўриқлари асосида, шунингдек СССР Олий Советининг СССР халқ хўжалигини ривожлантириш 1974 йилги Давлат плани ва давлат бюджети тўғрисидаги қонунлари асосида ишлаб чиқилди.

Бюджетнинг даромадлари ва харажатлари республиканинг 1974 йилги халқ хўжалик плани кўрсаткичларига тўла мувофиқ равишда, ички хўжалик резервларини тўла-тўкис аниқлаш ва сафарбар этиш ҳамда харажатларни тежашни ҳисобга олган ҳолда белгиланган. 1974 йилги бюджет ҳажми 3.818.488 минг сўм бўлади ёки Ўзбекистон ССР Олий Совети 1973 йил учун тасдиқлаган бюджет ҳажмига нисбатан 8,9 процент ортади.

## БЮДЖЕТНИНГ ДАРОМАДЛАРИ

Халқ хўжалигини ва маданиятни ривожлантиришнинг беш йиллик тўртинчи йили учун белгиланган программаси социалистик корхоналарнинг жамғармаларини анча кўпайтириш йўли билан амалга оширилади.

Бюджет даромадларининг асосий қисми 3.338 миллион сўми ёки 87,4 процентги 1974 йилда социалистик хўжаликдан тушади.

Халқ хўжалик планида кўзда тутилган ишлаб чиқариш ва моллар реализация қилиш ҳажмига биноан оборот солиғи тушумлари келгуси йилда 1.791 миллион сўм миқдорида, яъни 1973 йилда бажарилиши кутилаётганидан 97 миллион сўм ошириб белгиланди.

КПСС XXIV съезди қарорларида халқнинг моддий фаровонлигини анча ошириш белгиланганига мувофиқ халқ истеъмол қиладиган буюмларни ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг вазифалари ва роли ҳам ортади.

Шу муносабат билан министрликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, ижроия комитетлар, шунингдек халқ истеъмол қиладиган моллар ни ишлаб чиқарувчи корхоналар, халқ истеъмол қиладиган моллар ни ишлаб чиқариш юзасидан белгиланган топшириқларни сўзсиз бажариш ва аҳоли талаб қилаётган молларни қўшимча равишда ишлаб чиқариш имкониятларини қидириб топиш, маҳсулот сифатини оширишга қаратилган тадбирларни кўриб, шу тариқа механизаторларнинг эҳтиёжларини тўлиқроқ қондириш ва оборот солиғи тушумларини кўпайтириш чораларини кўришлари керак.

1974 йилги план ва бюджетда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш ва муомала чиқимларини камайтириш асосида

## БЮДЖЕТ ХАРАЖАТЛАРИ

1974 йилда бюджет харажатларининг жами ҳажмидан халқ хўжалигини ва социал-маданий тадбирларни пул билан таъминлаш учун 3.706 миллион сўм ёки 97,1 процентги сарф қилинади.

Оғир саноатни, қурилиш индустриясини, енгил саноат ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хўжалиги, транспорт, уй-жой —коммунал хўжалигини ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантиришга 1.750.577 минг сўм сарфлаш кўзда тутилган, бу — Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1973 йил учун тасдиқлаган планига нисбатан 112,4 процентни ташкил қилади.

Саноат ва қурилишга 294.933 минг сўм, қишлоқ хўжалигига 875.946 минг сўм, автотранспорт ва алоқага 75.488 минг сўм, уй-жой — коммунал хўжалигига 281.627 минг сўм маблағ ажратиш белгиланди.

Бундан ташқари халқ хўжалигига корхоналарнинг ўз ресурсларидан ва банк кредитлари ҳисобидан 1.619.564 минг сўм сарф қилинади. 1974 йилда халқ хўжалигига қилинадиган жами ҳаражатлар 3.370.141 минг сўмга етади.

## КАПИТАЛ ИШЛАРНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Халқ хўжалик планига мувофиқ марказлаштирилган тарзда капитал маблағ сарфланадиган ишларни пул билан таъминлашга 1974 йилда 1.885 миллион сўм, шу жумладан бюджет ҳисобидан 1.230 миллион сўм кўзда тутилди, бу эса ҳамма чиқимларнинг 65,3 процентини ташкил қилади. Хўжаликнинг ўз ресурслари ва банкларнинг узоқ муддатли кредитлари 655 миллион сўм миқдорида лойиҳалаштирилди.

Партия XXIV съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишда капитал маблағлар самарадорлигини ошириш жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Ишлаб чиқариш ва қурилишнинг ҳозирги кўлами шароитида иқтисодий ривожланиш суръатлари кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш билан, шу қувватларнинг техникавий-иқтисодий даражаси билан, сарфланган маблағнинг ҳар бир сўми ҳисобига кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш билан белгиланади.

Кейинги йилларда республикада капитал маблағлар самарадорлигини ошириш учун кўп иш қилинди. Шу билан бирга қурилиш ишларини ташкил этишда ҳамон катта-катта камчиликлар бор. Куч ва маблағларни кўпдан-кўп объектларга тарқатиб юбориш каби нуқсон ҳали ҳам тугатилган эмас, янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш ва ўзлаштириш муддатларига риоя этилмаётир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўнинчи пленуми капитал қурилиш планларининг бажарилиши учун кадрларнинг масъулиятини ошириш, маблағларни ва моддий ресурсларни сочиб юборишга йўл қўймаслик, ишга туширилдиган объектларнинг ўз вақтида қуриб битказилишини таъминлаш зарурлигини уқтириб ўтди.

Вазифа пленум ишлаб чиққан тадбирларни муваффақиятли равишда амалга оширишдан, қурилиш ишларини ташкил этишга оператив раҳбарлик қилишни кучайтиришдан иборат.

## СОЦИАЛ-МАДАНИЙ ТАДБИРЛАРНИ ПУЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги Давлат бюджетида социал-маданий тадбирларга қилинадиган ҳаражатлар 1.956 миллион сўм миқдорида, яъни Ўзбекистон ССР Олий Совети бу йил учун тасдиқлаган планга нисбатан 6,1 процент ошириб белгиланган. Халқ маорифи маданият, фанга 1.096 миллион сўм, соғлиқни сақлашга 422 миллион сўм, социал таъминотга 329 миллион сўм сарфлаш мўлжалланмоқда.

Социал-маданий муассасалар тармоғи кенгайиши ва ходимлар нинг кўпайиши капитал маблағ ажратишнинг ошиши, асбоб-ускуналар сотиб олиш чиқимлари ортиши муносабати билан социал маданий тадбирларга қилинадиган харажатлар ҳам кўпайтирилмоқда.

Мактабгача тарбия муассасаларидаги болалар 1973 йил планига нисбатан салкам 26 минг нафар кўпаяди. Умумий таълим мактабларидаги ўқувчилар 67,8 минг нафар, ҳунар-техника билим юртларидаги ўқувчилар 19 минг нафардан зиёд кўпаяди. 317 та янги кутубхона очилади, касалхоналардаги ўринлар 4300 та, врачлик лавозимлари 2700 та ортади.

Қишлоқ мактабларининг ва мактаблар ҳузуридаги интернатларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга, интернатлардаги штатларни кенгайтиришга ва мактабларнинг кутубхоналаридаги китоблар фондини кўпайтиришга 5 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратиш мўлжалланмоқда.

1974 йилги план лойиҳасига мувофиқ колхозларнинг аъзоларига 231 миллион сўм, яъни 1973 йилги планда белгиланганидан 9,8 миллион сўм ёки 4,4 процент кўп пенсия ва нафақа тўлаш кўзда тутилган.

## БОШҚАРУВ ХАРАЖАТЛАРИ

1974 йилги план ва бюджетда бошқарув аппаратини янада яхшилаш, халқ хўжалиги тармоқларидаги бошқарув структурасини рационаллаштириш чоралари белгиланган. 1974 йилги бюджетда бошқарув харажатларини қисқартириш йўли билан 13,5 миллион сўмни тежаш белгиланган.

Давлат ҳокимият органларига, давлат бошқарув ва суд органларига бюджетдан қилинадиган харажатлар 1974 йилда 47.795 минг сўм миқдорида ёки бу йил қилинаётган харажатлардан 621 минг сўм кам миқдорда мўлжалланган.

Бу эса, министрликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, ижроия комитетлар зиммасига бошқарув соҳасидаги бутун иш савиясини кўтаришни, уни замонавий илм-фан талабларига мувофиқ ҳолга келтириш, бошқарув органлари структурасини тубдан такомиллаштириш, аппаратнинг иш услуби ва методларини такомиллаштириш вазифасини юклайди. Бошқаришнинг энг илғор схемаларидан кенгроқ фойдаланиш, аппарат ишига замонавий ҳисоблаш техникасини, механизация ва автоматлаштиришни жорий этиш, ҳисоб-китоб ва ҳисоботни яхшилаш зарур.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ВА МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР

Тўққизинчи беш йиллик даврида Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳрининг экономикаси ҳамда маданиятини ривожлантиришда янги катта муваффақиятларга эришилди. Бу ишда бюджетлар муҳим роль ўйнайди.

Келгуси йилда Қорақалпоғистон АССРнинг давлат бюджети, областларнинг ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджетлари 1.502.450 минг сўм миқдорида, 1973 йил планига нисбатан 8 процент ошириб белгиланди. Шу жумладан:

| | (минг сўм) |
|---|---|
| Қорақалпоғистон АССР | 130263 |
| Тошкент шаҳри | 287597 |
| Тошкент области | 169858 |
| Самарқанд области | 156339 |
| Фарғона области | 149144 |
| Андижон области | 112459 |
| Бухоро области | 101511 |
| Наманган области | 91801 |
| Қашқадарё области | 88781 |
| Сурхондарё области | 79313 |
| Сирдарё области | 73293 |
| Хоразм области | 61991 |

Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги халқ хўжалик планида кўзда тутилган тадбирларни пул билан таъминлаш учун республика бюджетидан Қорақалпоғистон АССРга 30726 минг сўм, Сурхондарё областига 6022 минг сўм, Қашқадарё областига 3333 минг сўм ва Сирдарё областига 1498 минг сўм ажратиб берилади.

1974 йилги вазифалар Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, ижроия комитетлар зиммасига экономика ва маданиятни ривожлантиришга, халқ фаровонлигини оширишга амалий таъсир ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Депутат ўртоқлар!

1974 йил октябрь ойида республика меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил этилган кунининг 50 йиллигини тантанали равишда нишонлайдилар.

Шонли сана шарафига социалистик мусобақа авж олиб кетганлиги — халқ бунёдкорлик ғайрати ва ижодий активлигининг, у коммунизм қуриш йўлидан олға боришга қаттиқ аҳд қилганлигининг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон меҳнаткашлари 1974 йилги план билан бюджет топшириқларини муваффақиятли равишда тўла ва ошириб бажариш учун ўзларининг бутун кучлари ва имкониятларини сафарбар этадилар ҳамда шонли эллик йиллик юбилейни муносиб кутиб оладилар, деб қатъий ишонч билдиришга ижозат бергайсиз. (Қарсаклар).

# ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПЛАН-БЮДЖЕТ ВА ТАРМОҚ КОМИССИЯЛАРИНИНГ ҚЎШИМЧА ДОКЛАДИ

## План-бюджет комиссиясининг раиси депутат Х. УМАРОВ доклади

Депутат ўртоқлар! Совет кишилари партия XXIV съезди қарорларини муваффақиятли амалга оширишни ўзларининг энг асосий вазифаси деб биладилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг 1973 йилги декабрь Пленуми ва СССР Олий Совети еттинчи сессияси кўрсатмаларидан ўзлари учун амалий хулосалар чиқариб олмоқдалар. КПСС Марказий Комитетининг, унинг Сиёсий бюроси ва шахсан ўртоқ Л. И. Брежневнинг жуда катта фаолияти бизнинг ҳаммамиз учун илҳом манбаи бўлиб, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида қандай ишлаш кераклигини кўрсатувчи ажойиб намунадир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет ва тармоқ комиссиялари республика министрликлари ҳамда идораларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети вакиллари билан бирга республиканинг 1974 йилги халқ хўжалигини ривожлантириш давлат планини ва давлат бюджетини қараб чиқдилар. Комиссиялар бу план СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг республикамиз учун тасдиқланган давлат плани кўрсаткичларига мувофиқ равишда тузилган, деб ҳисоблайдилар.

Республика хўжалигининг барча тармоқларида ўтган уч йил мобайнида планнинг бажарилиш якунлари ва 1974 йил плани ҳамда бюджетида назарда тутилаётган моддий, меҳнат, молиявий ресурслар партиямиз XXIV съезди томонидан тўққизинчи беш йилликда белгиланган топшириқларни муваффақиятли бажариш учунгина эмас, ошириб бажариш учун ҳам барча шароитлар мавжуд деб айтишга имкон беради.

Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1974 йилги плани ва бюджет лойиҳаси депутатларга тарқатилган. План-бюджет ва тармоқ комиссияларининг хулосаларида план ва бюджет лойиҳалари атрофлича қараб чиқилган. Комиссиялар бу ерда фақат айрим масалалар тўғрисидагина ўз фикрларини билдиришни зарур деб ҳисоблайдилар.

КПСС XXIV съезди директиваларига мувофиқ халқ фаровонлигини ошириш юзасидан яна бир қанча тадбирлар амалга оширилади. Жумладан, халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ўртача миқдорда иш ҳақи оладиган ходимларнинг тариф ставкалари ва маошларини ошириш билан айни бир вақтда ишчилар ва хизматчиларнинг нимаям иш ҳақи оширилади. Меҳнат нафақахўрларининг, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлган оилаларнинг пенсиялари оширилади. 1974 йилдан бошлаб, давлат заёмлари облигацияларининг пули муддатидан илгари тўлана бошлайди. Аҳолининг анча ўсиб бораётган харид қувватини саноат, озиқ-овқат моллари билан, шунингдек маиший хизмат кўрсатиш йўли билан қондириш керак. Лекин халқ истеъмоли моллариии ишлаб чиқараётган саноат тармоқларида бу соҳадаги ишлар кўнгилдагидек эмас.

Маҳсулот, шу жумладан аҳолига товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишнинг самарадорлиги жуда катта аҳамиятга эгадир. Ҳолбуки, бу соҳада жиддий камчиликлар бор.

Ишга туширилган бир қанча объектларда лойиҳада белгиланган қувватлар ўзлаштирилган эмас. Бунинг сабаби шуки, бу объектлардан кўпи тўла-тўкис қурилмаган ва чала ҳолда фойдаланишга топширилмоқда. Янги корхоналар учун кадрлар ҳам ўз вақтида тайёрланмайди. Айрим жойларда улар учун тегишли маиший шароит ҳозирлаб қўйилмайди. 1974 йилда ишлаб турган ва янги ишга туширилаётган объектлардан максимал фойдаланиш ва уларни тезроқ ўзлаштириш тадбирларини ишлаб чиқиш лозим.

Комиссиялар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарувчи министрликлар учун энг муҳим проблема эканлиги ҳам сифат проблемаси бўлиб қолмоқда, деб ҳисоблайдилар.

Товарларнинг сифати бўйича давлат инспекциясининг маълумотларига қараганда 1973 йил нинг тўққиз ойи мобайнида ғўшт-сут саноати министрлиги корхоналарида стандартга мувофиқ бўлмаганлиги учун аничгина миқдорда эритилган ёг, ғўшт, сут ва сут маҳсулотлари браққа чиқарилди. Худди шундай аҳволни тўқувчилик ва чарм галантерея, чарм пойафзал, тикувчилик буюмлари ва енгил саноат, маҳаллий саноат, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, мебель саноати корхоналарида ва бошқа корхоналарда учратиш мумкин.

Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилаётганлиги аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда, давлатга катта иқтисодий зарар етказмоқда.

Коммунистик партия, Совет ҳукумати совет халқининг моддий фаровонлигини оширишга катта эътибор бермоқда. Уй-жой ва маданий маиший қурилишлар учун ҳар йили анча маблағлар ажратилмоқда. 1974 йилда ишлаб чиқаришдан ташқари соҳа учун бир миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ ажратилган.

Лекин бу маблағлардан ҳамон яхши фойдаланилаётгани йўқ. Комиссиялар шу беш йилликнинг ўтган икки йилу ўн ойи мобайнида уй-жой ва социал-маданий объектлар қуриш учун ажратилган маблағлардан 25 миллион сўми фойдаланилмай қолганлигини кўрсатиб ўтишни зарур деб ҳисоблайди. Бу соҳада Энергетика ва электрлаштириш министрлиги, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги, қишлоқ хўжалик, совхозлар, озиқ-овқат саноати, бинокорлик материаллари саноати министрликлари айниқса орқада қолмоқда.

Шу йилнинг ўтган ўн бир ойи мобайнида пландагига нисбатан мактабгача тарбия муассасаларида ўринларнинг фақат 51 процентн, поликлиникаларнинг 44 процентн ва касалхоналардаги ўринларнинг 47 процентн фойдаланишга топширилди. Қорақалпоғистон АССРда, Андижон, Наманган, Сирдарё ва бошқа баъзи областларда шундай объектларни ишга тушириш айниқса қониқарсиз аҳволда.

Планда 1974 йилда марказлаштирилган капитал маблағлар ҳисобидангина 1.728,4 миллион сўмлик асосий фондларни фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Қувватларни кўпайтириш ва уларни ўз вақтида ишга тушириш катта аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтишнинг ҳожати ҳам йўқ. Лекин қурилиш-монтаж ишларини ташкил этишда жиддий камчиликларнинг мавжудлиги, асбоб-ускуналар ўз вақтида етказиб берилмаётганлиги, лойиҳа-техника ҳужжатларидаги нуқсонлар туфайли, шунингдек планлаштиришдаги камчиликлар оқибатида асосий фондлар кўпинча ўз вақтида фойдаланишга топширилмайди. Ўтган 11 ой мобайнида Андижон машинасозлик заводида, Самарқанд лифтсозлик, Тошкент трактор заводларида, Фарғона шиша идишлар заводида ишлаб чиқариш қувватлари, шунингдек Тошкент мебель комбинатида, биринчи пойафзал фабрикасида, чинни заводида, Гулистондаги тикувчилик фабрикаси ва бошқа бир қанча объектларда ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилмади. Қишлоқ хўжалик министрликлари асосий фондларни фойдаланишга топшириш планини ўн бир ой ичида фақат 55 процент миқдорида бажардилар.

Министрликлар ва идоралар йўл қўйилган хатолар ва нуқсонларни ҳисобга олишлари ҳамда 1974 йилнинг биринчи ойларидан бошлаб асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўз вақтида фойдаланишга топширилишини таъминлаш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети X пленумининг қарорларини бажаришлари керак.

Иш вақтидан фойдаланишни яхшилаш ва иш вақтининг планда кўзда тутилмаган бекор ўтишини камайтириш меҳнат унумдорлигини оширишда катта резервдир. Бундай нобудгарчилик 1973 йилнинг биринчи ярмида ҳар бир ишловчи ҳисобига 1,7 кундан иборат бўлди. Мана шу кунлар бекор ўтмаганида қўшимча равишда яна 40 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлур эди. Пахта тозалаш саноати, қишлоқ қурилиши, енгил саноат, озиқ-овқат саноати корхоналарида ва бошқа баъзи тармоқларда иш кунининг бекорга ўтиши айниқса кўп. Масалан, пахта тозалаш саноатида меҳнат унумдорлиги натура билан ҳисобланганда, аслида 1965 йилги даражасида қолмоқда.

Министрликлар ва идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари меҳнатни ташкил этишни яхшилашга, иш вақтидан, машиналар ва механизмлардан фойдаланишни яхшилашга эътибор беришлари лозим.

Текшириш якунлари шуни кўрсатиб турибдики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўп турларининг таннархи жуда баланд бўлиб, айрим колхозлар ва совхозларнинг рентабеллиги эса, паст даражададир. Бу йил республика совхозларида шолидан бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари барча турларини ишлаб чиқаришнинг таннархи 60 миллион сўмликдан кўпроқ қимматлашуви кутилмоқда.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Совхозлар министрлиги ҳамда область ижроия комитетлари ҳар бир гектар ердан самарали фойдаланиш, материалларни, ишчи кучлари ва пул маблағларини далачилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга омилкорлик билан сарфлаш устидан назоратни кучайтиришлари лозим.

Доимий комиссиялар министрликлар ва идоралар оборот маблағларининг катта қисми планда кўрсатилмаган мақсадлар учун сарфланаётганлигини йўл қўйиб бўлмайдиган бир ҳол, деб ҳисоблайдилар. Тўққиз ой ичида капитал маблағлар ва катта ремонт учун дебиторлик қарзлари учун ва нормадан ташқари товар-материал запаслари ҳосил бўлганлиги учун 675 миллион сўмдан кўпроқ маблағ мақсадга мувофиқ тарзда фойдаланилмади. Айниқса бундай фактларни қурилиш министрлиги ва қишлоқ қурилиши министрлиги мелиорация ва сув хўжалиги, озиқ-овқат, енгил саноат, пахта тозалаш саноати, автомобиль транспорти министрликлари, республика «Ўзсельхозтехника» бирлашмаси ва бошқа системаларда кўплаб учратиш мумкин.

Планнинг барча сифат кўрсаткичларини бажаришга жиддий эътибор бериш, ўз оборот маблағларининг сақлаб қолинишини ва ундан яхши фойдаланишни таъминлайдиган тадбирларни кўзда тутиш лозим.

План-бюджет ва тармоқ комиссиялари 1974 йилда республика халқ хўжалигини ривожлантириш плани ва давлат бюджети лойиҳаларига тегишли расчётларни қараб чиқиб, давлат бюджетининг даромадларини 1 миллион 224 минг сўмга, шу жумладан республика хўжалиги бўйича фойдалардан тўловларни 524 минг сўмга кўпайтириш ҳисобидан ва солиқлар бўйича, ҳамда солиқлардан ташқари даромадлар бўйича расчётларни аниқлаш ҳисобидан 700 минг сўмга кўпайтиришни мумкин, деб топдилар.

Комиссиялар министрликлар, идораларнинг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, маҳаллий советлар ижроия комитетларининг қўшимча маблағ ажратиш тўғрисидаги илтимосларини қараб чиқиб, қўшимча аниқланган даромадлар ҳисобига ва ССР Иттифоқи Олий Совети томонидан киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат бюджетида харажатларни 5 миллион 414 минг сўмга кўпайтиришни, шу жумладан: район марказларини, район қарамоғидаги шаҳарларни ва шаҳарлардаги посёлкаларни обод қилиш учун 1 миллион 632 минг сўм: касалхоналар, мактаблар, болалар муассасалари ва бошқа социал-маданий муассасаларга инвентарлар ва асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 1 миллион 867 минг сўм; мактаблар, касалхоналар, клублар, музейлар, болалар муассасалари ва бошқа социал маданий муассасаларни реконструкциялаш ва ремонт қилиш учун 1 миллион 165 минг сўм; мактабдан ташқари муассасаларга инвентарь ва асбоб-ускуналар сотиб олиш учун 200 минг сўм; қишлоқ ва посёлка Советлари, биноларини ремонт қилиш ва уларга инвентарлар сотиб олиш учун 550 минг сўм миқдорида кўпайтиришни мумкин деб ҳисоблайдилар.

Комиссияларнинг 1974 йилги давлат бюджети бўйича чиқарган ва депутатларга тарқатилган хулосаларида шу маблағларнинг министрликлар, идоралар ва маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ўртасида қандай тақсимланганлиги кўрсатиб ўтилади.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг план-бюджет ва тармоқ комиссиялари Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Ўзбекистон ССР Министрлар Совети тақдим этган 1974 йилги давлат бюджети планини маъқуллашни, шунингдек Ўзбекистон ССРнинг даромадлар ва харажатлар бўйича 3.823.902 минг сўм миқдоридаги давлат бюджетини баён этилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқлашни таклиф этади.

Ўзбекистон меҳнаткашлари республиканинг ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг олтин юбилейини баланд руҳ билан кутиб олмоқдалар. Беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида эришилган катта муваффақиятлар, омманинг меҳнатдаги ғайрат-шижоати, социалистик мусобақанинг кенг қулоч ёйганлиги Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги халқ хўжалик плани ҳамда давлат бюджетининг муваффақиятли бажарилиши учун ишончли гаровдир. (Қарсаклар).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Р. 03924. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. Б. 298.